2009 йил, 27 август, пайшанба



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 169 (11.480)

Баҳоси эркин нархда




*«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### ШАҲРИМ — ФАХРИМ

**Юртимизда Энг азиз ва энг улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва кўҳна Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тантаналари кенг нишонланадиган шукуҳли кунларда Мирзо Улуғбек туманидаги «Шўртепа» маҳалласи аҳолиси яна бир хурсандчилик кунни нишонладилар.**





## ЗАМОНАВИЙ, КЎРКАМ ГУЗАР ОЧИЛДИ

Маълумки, маҳалланинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлиб, тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, яқин қўшничилик, дўст-биродарлик туйғуларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам Истиқлол йилларида Президентимиз таъбирлари билан айтганда, ушбу нуфузли ва ноёб тузилмаға катта эътибор қаратилиб, маҳалланинг нуфузи қайта тикланди, мамлакатимизда барпо этилаётган адолатли, эркин, кучли фуқаролик жамиятида асосий таянч вазифасини ўташига барча шароитлар яратилди. Бугун маҳаллаларда қад ростлаётган кўркам, замонавий, аҳоли эҳтиёжи учун барча шарт-шароитлар яратилган гузарлар, спорт комплекслари, маданий-маиший савдо дўконлари фикримиз далилидир.

Куни кеча мана шундай муҳташам маҳалла гузари шаҳар ва туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси бўлимлари, олийҳиммат тадбиркор-ҳомийлар кўмагида қурилиб, «Шўртепа» маҳалла аҳолиси кўнглини тоғдек кўтариб, дилларга бир олам қувонч, шодлик улашиб катта тантана билан очилди.

*(Давоми 2-бетда).*

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Втанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.**

*Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:*

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

**Аҳмедов Назиржон Мамирович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг металл эритувчиси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»

**Мирсодиқов Илҳом Икромович** — «Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонасининг Тошкент радиотелевидение узатиш маркази мутахассиси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»

**Абдуллахўжаев Саидибурҳон Саидимуротович** — «Тошавтобустранс» акциядорлик компаниясига қарашли “7-Автокорхона” акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»

**Мавлонов Абрал Анварович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учувчилар отряди командири

*Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотланди:*

*(Давоми 2-бетда).*

## БАЙРАМ НАФАСИ УФУРИБ ТУРИБДИ

**Бир неча кундан сўнг дунё илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда Шарқ дарвозаси деб эътироф этилган азим Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланади. Ушбу шодиёнага тайёргарлик ишлари кенг кўламда давом этмоқда. Бугун Тошкент кўчаларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. ЎзА мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.**

**Акира ТАНАКА (Япония):**

– Ўзбекистонга тўрт йил аввал Янги йил байрами арафасида келган эдим. Ўшанда юртингизда бу ажойиб айём ўзгача шукуҳ билан нишонланишига гувоҳ бўлганман. Бу гал ҳам Тошкентга келишим билан байрам нафаси уфуриб турганини ҳис этдим. Саёҳатим қўшалоқ байрам – Ўзбекистон мустақилликка эришган куннинг 18 йиллиги ва Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи нишонланадиган кунларга тўғри келганидан жуда хурсанд бўлдим.

Мамлакатингизда бу гўзал байрамларни кўтаринки руҳда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Сайилгоҳлар, кўча ва майдонлардаги байрамона кайфият кишига завқ бағишлайди.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, юртингизда кўплаб миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ, фаровон, осуда ва тинч-тотув ҳаёт кечираётгани Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилишидан далолатдир.

**Филипп БАРТ (Германия):**

– Ўзбекистон, Тошкент ҳақида кўп ўқиганман. Телевидение орқали юртингиз манзараларини томоша қилгач, бу ерга келиш иштиёқи пайдо бўлди. Келиб, шаҳарнинг тароватидан ҳайратга тушдим. Қадим Тошкент тасаввуримдагидан ҳам гўзал экан. Пойтахтингизнинг ўзига хос табиати, замонавий ва миллий меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этган иншоотлари мени мафтун этди. Бу ердаги диққатга сазовор жойлар – тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, бахри дилим очилди.

Мустақиллик майдонининг гўзаллигини таърифлашга сўз ожиз. Ям-яшил майдон ва муҳташам бинолар, сержило фавворалар кишида эзгу ҳислар ва ҳавас уйғотади. Мустақиллик ва эзгулик монументи мамлакатингиздаги тинчлик, барқарорлик ва бахтиёрлик, буюк келажакка қатъий ишонч тимсолидир.

Ўзбекларга хос гўзал фазилатлар – аҳиллик, меҳр-оқибат, ажойиб урф-одатлар ва миллий анъаналарда юксак маънавият мужассам. Ширинсухан ва меҳмондўст халқингиз кишида меҳр уйғотади. Энг асосийси, Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Бу эса сайёҳларни жалб этувчи энг муҳим омиллардандир.

**Альдо ШАБАЛЬ (Франция):**

– Ўзбекистонга иш юзасидан тез-тез келиб тураман. Ҳар сафар бу заминнинг чиройидан ҳайратга тушаман. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Пойтахтингизда маҳобатли иншоотлар, жаҳон андозаларига мос замонавий меҳмонхоналар тобора кўпаймоқда. Уларда хизмат кўрсатиш ҳам юксак савияда ташкил этилган.

Тошкент – эртакмонанд шаҳар. Шу боис бу ерга қайта-қайта келгим келаверади. Бу афсонавий шаҳарнинг бозорлари гавжум ва тўкин-сочинлиги, қайноқ ҳаёти, орастаю озодалиги ва батартиблиги билан кишини лол қолдиради. Мамлакат аҳлининг фаровонлигини унинг бозорларидан билса бўлади. Тошкент бозорларини айланар эканман, халқингиз фаровон ҳаёт кечираётганига яна бир бор амин бўлдим.

**Маниша СИНГХ хоним (Ҳиндистон):**

– Тошкентга беш йил аввал келган эдим. Ўтган бу қисқа фурсат ичида пойтахтингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашибди. Мен Ўзбекистоннинг кўплаб жойларида бўлганман. Тошкент, Хива, Самарқанд, Бухоро каби бетакрор меъморий обидалар ва муқаддас қадамжоларга бой шаҳарлар дунёда жуда кам.

Яқин кунларда 2200 йиллик юбилейи нишонланадиган Тошкент ўзининг тарихий обидалари, алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст халқи билан машҳур. Қадимда барча карвонлар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги робита, Буюк Ипак йўлининг марказий шаҳарларидан бўлган Шош орқали ўтишни афзал билган.

Табиати гўзал юртнинг фуқаролари ҳам гўзал ва танти бўлади. Ўзбек халқининг ана шундай фазилатларидан, юксак маданиятидан ўрнак олса арзийди. Улкан интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон ёшлари истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, барча соҳаларда ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этаётирлар. Бу мамлакатингизнинг истиқболи янада нурли эканидан далолатдир.

**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси 2009 йил 28 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш учун тўгаракларга, курсларга жалб этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар раҳбарлари иштирок этишди.

✓ **ТОБОРА** яқинлашиб келаётган Истиқлол айёми ва азим пойтахтимизнинг 2200 йиллиги арафасида КЕЧА Тошкентга ташриф буюрган бир гуруҳ япониялик аёллар шаҳримиз ҳаёти билан яқиндан танишишди.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги 151-мактабда туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан уюштирилган анъанавий Август кенгашида халқ таълими муассасалари ўқитувчилари иштирок этишди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН САМАРҚАНД ШАҲРИДА КЕЧА “ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ” ЕТТИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИНИ ҚУТЛАДИ.**
- **Наманган вилоятида Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Чортоқ шаҳрида «Chartaq-Daehan-Textile» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилди. Корхонага энг замонавий ип йигирув дастгоҳлари келтириб ўрнатилди. Улар ёрдамида йилига 3300 тонна пахта толаси қайта ишланиб, ундан сифатли калава ип тайёрланади. Мазкур қўшма корхона ишга тушиши натижасида 210 нафар киши иш билан таъминланди.**
- **Бухорода «Она замин саховати» деб номланган анъанавий қовун сайли тадбири бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 150 дан ортиқ фермер хўжаликлари иштирокчилар эътиборига минг тоннадан ортиқ қовун, 700 тоннадан ортиқ тарвуз ва бошқа ширин-шакар полиз маҳсулотларини тортиқ этишди. Тадбир сўнгида қовун сайли ғолиблари аниқланди.**
- **Сурхондарё вилоятидаги миллий маданий марказлар «Кучимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» шиори остида мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказишди.**
- **Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 200 нафарга яқини ўз касблари бўйича иш билан таъминланди.**
- **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташаббуси билан жойларда таниқли мусаввирларнинг «Юртимиз жавоҳирлари» мавзуидаги ижодий кўргазмалари бўлиб ўтмоқда. Ана шу мақсадда тасвирий санъат намояндаларидан бир гуруҳи Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ва Паркент туманларида ижодий сафарда бўлди.**

### ЖАҲОНДА

- **Ироқ Бош вазири Нури ал-Маликий Суриядан Бағдодда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларига алоқадор кишиларни топширишни талаб этди.**
- **Колумбия Президенти Эво Моралес Колумбиядаги базаларни АҚШга фойдаланишга бериш юзасидан минтақавий референдум ўтказишни таклиф этди.**
- **Шимолий Америка КХДР ва Колумбия компанияларига санкциялар жорий этди.**
- **Ҳиндистон ҳукумати телефон сўзлашувлари ва интернет суҳбатларини эшитиб, мониторинг қилиб бориш билан шуғулланувчи махсус бошқарма ташкил этишни режалаштирмоқда. Ҳиндистон Ички ишлар вазирлиги ахборотида бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мамлакатда террорчилик ҳаракатларининг олдини олишда катта ёрдам беради, дейилмоқда.**
- **Грецияда шимолдан эсадиган кучли шамол пайдо бўлиб, яна ўрмон ёнғинларининг кучайишига замин яратди. Таъкидлаш керакки, ўтган ҳафта давомида мамлакат пойтахти атрофида рўй берган ёнғинлар натижасида 30 минг гектар ҳудуд куйиб кул бўлди, 200 га яқин уй-жой ҳам ёниб битди.**
- **Кеча Испаниянинг Буйоль шаҳрида анъанавий «Томатино» халқаро фестивали бошланди.**
- **Миср маъмурияти дунёда A/H1N1 гриппи вируси кенг тарқалаётгани муносабати билан мамлакатдаги мактаблар учун қўшимча дам олиш куни жорий этди. Яъни, эндиликда ўқувчилар ҳафтада икки кун эмас, балки синфлар навбатма-навбат уч кун дам оладилар. Бу мажбурий восита бўлиб, кўплаб болаларнинг бир жойда оммавий равишда тўпланишига йўл қўймаслик мақсадида жорий этилмоқда. Бундан ташқари, барча ўқув муассасаларини дезинфекциялар билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилади.**
- **Япониянинг машҳур «Тойота» автомобиль компанияси ўз фаолияти кўламини 10 фоизга қисқартириб, бир йилда ишлаб чиқариладиган автомобиллар сонини 9 миллион донага туширмоқчи.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

ЮНЕСКО номидан Ўзбекистон Республикаси халқи ва Ҳукуматига Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллиги ва пойтахтингиз – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан самимий қутловларимни изҳор этмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, истиқлол йиллари мамлакатнинг ижтимоий ислоҳотлар ва иқтисодий ривожланиш соҳаларида қўлга киритган сезиларли ютуқларни эътироф этишга ижозат бергайсиз. Бинобарин 2000 ва 2006 йилларда Ўзбекистонга амалга оширган ҳар иккала расмий ташрифим чоғида ушбу воқеликка бевосита ишонч ҳосил қилиш шарафига муяссар бўлган эдим. Шунингдек, ўтган давр натижалари мени ўзбек халқининг таълимий, илмий ва маданий ҳаётида ўз ифодасини топган Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги самарали ва муваффақиятли ҳамкорликка гувоҳ бўлишдек имкониятга мушарраф этди.

Шу маънода, ЮНЕСКО, Бош конференция томонидан қабул қилинган 34-сонли, С/54-рақамли резолюция асосида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини байрам қилинишига яқиндан жалб этилганини қайд этиш менга беҳад чексиз мамнуният бахш этади. Ўз ўрнида, жорий йил 2 апрелда ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу муҳим юбилейни нишонлаш муносабати билан ташкил этилган кўргазмани очиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Кўргазма ташкилот бош қароргоҳида ўтказилган қизиқарли маданий тадбирлар дастури билан бир қаторда стратегик жиҳатдан Европа билан Осиё чорраҳасида ўрин олган ва бугунги кунда мафтункор бир мамлакатнинг замонавий пойтахти сифатида ном таратган ҳамда икки минг икки юз йиллик тарихга эга шаҳар — Тошкентнинг бениҳоя улуғворлигидан баҳра олиш имкониятини яратди.

Айни пайтда пойтахтингизда нишонланаётган қутлуғ айёмлар Ўзбекистоннинг шавкатли тарихидаги яна бир босқичга айланди.

Ушбу муҳим байрам тантаналари муносабати билан шахсан Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқи ва Ҳукуматига ўз дўстона ва самимий табрикларимни яна бир бор изҳор этмоқчиман ҳамда келгусидаги самарали ҳамкорликка ишонч билдириб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Ҳурмат билан,

**ЮНЕСКО Бош директори
Коичиро МАЦУУРА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табригимни қабул этгайсиз.

Биродар Ўзбекистон халқи давлат қурилиши, иқтисодий ва ижтимоий соҳалар ривожида эришилган ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Сўнгги ўтган йиллар мобайнида республиканинг халқаро майдондаги нуфузи ва мавқеи мустаҳкамланди.

Россия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчиликнинг бой ҳамда серқирра қиёфасини касб этди. Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш, анъанавий яқин гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлашга катта аҳамият бермоқдамиз.

Россия ва Ўзбекистон учун умумий бўлган минтақавий интеграцион бирлашмаларда саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаштириш Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги манфаатларга мос эканига аминман. Ўзбекистон Мустақиллик байрамини Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти раиси сифатида кутиб олмоқда. Бугунги кун таҳдидларига қарши курашишда, ШҲТ салоҳиятини амалга татбиқ этишда фаол ҳамкорликка тайёрмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва барча Ўзбекистон фуқароларини худди Сиз туғилиб ўсган Самарқанд шаҳри каби, ташрифим чоғида менда ёрқин таассуротлар қолдирган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ҳам муборакбод этмоқчиман.

Сизга, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам соғлиқ ва давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

**Дмитрий МЕДВЕДЕВ,
Россия Федерацияси Президенти.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг давлат байрами билан Сизни ва мамлакатингиз фуқароларини чин қалбдан муборакбод этишга ижозат этгайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Словакия Республикаси келгусида ҳам мамлакатларимиз равнақи ва манфаатлари йўлида дўстлик муносабатлари ва ўзаро самарали ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратажагини маълум қилмоқчиман.

Сизга ва бутун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига улкан муваффақиятлар тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган самимий эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Иван ГАШПАРОВИЧ,
Словакия Республикаси Президенти.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Қозоғистонда Ўзбекистон билан ишончли ва тенг ҳуқуқли ўзаро муносабатларга алоҳида аҳамият берилади.

Ишонч ва ҳамжиҳатликка асосланган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро дўстона алоқалар келгусида ҳам икки давлат халқлари манфаатлари йўлида узлуксиз ривожланиши ва мустаҳкамланишига аминман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, осойишталик ва равнақ тилаб қоламан.

Самимият билан,

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг 18 йиллик байрами ҳамда Тошкент шаҳрига асос солинганининг 2200 йиллиги муносабати билан Индонезия Республикаси Халқ Вакиллари Палатаси аъзолари номидан Сизни ва мамлакатингиз халқини муборакбод этишга ҳамда бахт-саодат ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз. Мазкур воқеалар эришилган тараққиётнинг ёрқин бир ифодаси бўлиб, келажак сари ишонч билан қараш имконини беради.

Мамлакатларимиз ва парламентларимиз ўртасидаги ҳамкорлик икки давлат муносабатларининг тобора юксалиши ва мустаҳкамланишига ҳамда тинчлик ва фаровонлик йўлидаги мақсадларга эришишда ҳисса қўшишига қатъий аминман. Ўзбекистон ва Индонезия алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилгувчи ғоя ва тажрибалар билан ўртоқлашиш учун ҳар қандай масофани босиб ўтишга тайёр эканлигимни билдирмоқчиман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Ҳурмат билан,

**Агунг ЛАКСОНО,
Индонезия Республикаси
Парламенти спикери.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Сеул шаҳрига зўр қизиқиш билдираётганингиз ва кўрсатган бебаҳо кўмагингиз учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

2009 йил сентябрь ойи бошларида ЮНЕСКО шафелигида нишонланажак муҳим воқеа — Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Сизни муборакбод этиш мен учун катта шарафдир.

Сеул шаҳри маъмурияти ва Тошкент шаҳри 2006 йил мартда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаган даврдан эътиборан кўплаб соҳаларда, жумладан шаҳар ривожи, транспорт ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишларида ҳамкорлик ва тажрибалар алмашинувини кенгайтириб келмоқда.

Тошкент — юбилей тадбирларидаги қулай фурсатдан фойдаланиб ўз тарихий қадриятлари ва ютуқларини намойиш эта олишига ва бу шаҳарнинг турли қирраларда янада тараққий этишига хизмат қилишига самимият ила ишонаман.

Сеул шаҳри аҳли номидан Ўзбекистон халқини ва тошкентликларни ушбу муҳим байрам билан яна бир бор муборакбод этмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига, чуқур эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳурмат билан,

**О Се ХУН,
Сеул шаҳри мэри.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизни муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Ўзбекистон истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислоҳотларни амалга оширишда сезиларли муваффақиятларга эришганини таъкидлаш мени қувонтиради. Бинобарин, бунинг натижасида мамлакат минтақада сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг локомотивига айланди. Ўзбекистон шунингдек Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик гарови ҳамда турли халқлар ўртасидаги ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган минтақавий мулоқотлар тарафдоридир.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ҳам самимий қутловларимни изҳор этмоқчиман. Ўзбек халқининг ўз тарихий меросини асраб-авайлаш йўлида нечоғли жон куйдираётганига мен таҳсинлар айтаман.

Дунёда давр синовларига икки минг йилдан зиёдроқ вақт мобайнида бардош бера билган шаҳарлар кўп эмас. Бунинг ўзи мазкур юбилей қанчалар муҳим ва аҳамиятли эканини ифода этади ҳамда ўзбек халқининг ўз пойтахти тарихи ва бугунги куни билан фахрланиши ҳуқуқини тасдиқлайди.

Биз Тошкентни тараққиёт ва фаровонлик, бутун Марказий Осиё минтақасининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий юксалиши маркази сифатида биламиз. У шунингдек тинчлик ва тотувлик рамзидир, зеро шаҳар халқлар ўртасида зиддиятларнинг якунланишига ҳамда дўстлик ва ўзаро ишонч ҳиссининг мустаҳкамланишига олиб келган муҳим учрашув ва тадбирларнинг ўтказилиш маскани бўлиб келган.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида азалий дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат ришталари мавжудлигини эътироф этиш ҳам кишини қувонтиради. Ҳиндистонликлар Ўзбекистон мисолида самимий ва қадрли дўстни, ишончли шерик ва Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик тарафдорини кўради.

Ушбу қувончли кунда, Жаноби Олийлари, мен Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини қўшалоқ байрам билан яна бир бор муборакбод этишдан бахтиёрман. Жаноби Олийлари, Сизга ва Ўзбекистон халқига бўлган самимий тилакларимни қабул этгайсиз.

Чуқур эҳтиром ила,

**Рашид АЛЬВИ,
Ҳиндистон Парламенти юқори палатасининг
Молиявий масалалар ва бюджет қўмитаси
аъзоси.**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

### «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Боқибоев Эркин Жўраевич** — Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси

**Зуфаров Миржамол Мирумарович** — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори ўринбосари

*Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишига ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдураҳимова Фарида Юлдашевна** — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари – шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси

*Республикамизнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Адҳамжонов Ойбек Адилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқарма бошлиғи

**Арипжонов Шокир Қобилович** — «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Учтепа туманидаги 10-қозонхона бошқармаси оператори

**Мирпўлатов Вячеслав Ҳусанович** — «Тошнефтгазқурилиш» акциядорлик жамияти қошидаги «Газчитранс» давлат унитар корхонасининг чилангари,

**Соипов Жўрабек Зайниддинович** — Учтепа туманидаги «Шофайзибоғи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

*Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиётига қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Алфёров Владимир Карлович** — Собир Раҳимов туманидаги «Оникс» акциядорлик жамиятининг металларга қайта ишлов берувчиси,

**Бочкарева Тамара Александровна** — Чилонзор туманидаги «Наққошлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

*Кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган қуйидаги юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар мукофотланди:*

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
(100 ЁШДАН ОШГАНЛАР)

**Султонова Гайнижамол** — Шайхонтоҳур тумани

*Жисмоний ногиронлигига қарамасдан қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб, ўзининг азму шижоати, мустаҳкам иродаси ва фидойилик фазилатларини намоён этган ҳамда ёш авлод тарбияси, юрт тинчлиги ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидаги ватандошларимиз мукофотланди:*

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Расулов Ҳикмат Ҳусанович** — Чилонзор туманидаги «Байнал-Минал» ногирон-ампутантлар футбол командасининг футболчиси

*Ўзларининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатларини намоён қилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ривожлантиришга, ислоҳотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш, аҳолининг тинчлик ва осойишталигини муҳофаза этишда фаол қатнашаётганлардан қуйидагилар мукофотланди:*

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Аликулов Сайдилла** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг шўъба бошлиғи

**Арипова Гулбаҳор Маркаевна** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бўлим бошлиғи

**Аҳмедов Акмал** — «Пахта тозалаш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси» акциядорлик жамиятининг стандартлаш ва метрология бўлими мудири

**Валиева Карима Акромовна** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бўлим бошлиғи

**Газиев Алишер Шукурович** — «Махсустранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Миробод-Махсустранс» автокорхонаси ҳайдовчиси

**Жамолхўжаев Тоҳирхўжа Тошхўжаевич** — Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг бўлим бошлиғи ўринбосари

**Исаев Шавкатулла Жўраевич** — «Сувсоз трести» давлат унитар корхонасининг Сергели тумани бошқармаси диспетчери

**Калдибаев Торабек Дуйсенович** — «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкининг бошқарма бошлиғи

**Колдомасов Евгений Борисович** — «Ўзэлектроаппарат-Электрощит» акциядорлик жамиятининг йиғув цехи бошлиғи

**Комичева Валентина Васильевна** — «Кўприкқурилиш тре́сти» давлат унитар корхонасининг кўприк қурилиш отряди арматурачиси

**Лапшин Юрий Константинович** — Мирзо Улуғбек туманидаги «ТТЗ-Аланга» шўъба корхонасининг чилангари

**Маматов Нуриддин Омонкулович** — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг бўлим мудири

**Маҳкамов Ғайрат Ўткирович** — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг бошқарма бошлиғи

**Мирзабоев Маҳамаджон Кенжаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси чилангари

**Насимов Тўра Жўраевич** — «Фотон» очиқ акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи

**Ниёзова Зулфия Абдуалиевна** — Мирзо Улуғбек туманидаги «Олтинсой биринчи коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Пўлатов Нурулла Нурмуҳамедович** — Юнусобод туманидаги «8-Автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

**Расулова Флора Абдуллаҳадовна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бошқармаси бош мутахассиси

**Сафарматов Мирҳамид Абдиқаҳорович** — «Ўзбекэнерготаъмир» акциядорлик жамиятининг чилангари

**Собиров Ўлмас Аликулович** — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бўлим бошлиғи

**Тарасенко Владимир Юрьевич** — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бўлим бошлиғи

**Тўрабоев Равшан Абдурасулевич** — «Тошкент лок-бўёқ заводи» акциядорлик жамиятининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси

**Тўрахонов Абдурасул Валиевич** — «Тошкент қурилиш моллари комбинати» акциядорлик жамиятининг чилангар-таъмирчиси

**Турсунов Мирвали Самикович** — Яккасарой туманидаги «Дамариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Турсунов Носиржон Ҳусанович** — Мирзо Улуғбек туманидаги «Ўзкабель» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи прессловчиси

**Файзуллаев Азим Саъдуллаевич** — «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонасининг йўл хизмати катта устаси

**Ҳабибуллаев Саломбек Пўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг бошқарма бошлиғи

**Шарипов Нурилла Убайдуллаевич** — Учтепа туманидаги «Дианорг сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ижрочи директори

**Шегай Екатерина Константиновна** — «Сувмаш» акциядорлик жамиятининг деталларни қадоқлаш бўлими ишчиси

**Шеркўзиев Раҳматжон Раимович** — Ҳамза туманидаги «1-Автокорхона» акциядорлик жамиятининг автобус ҳайдовчиси

**Юсупов Алишер Турсунович** — Ҳамза туманидаги «Подъёмник» акциядорлик жамиятининг токари

# ЗАМОНАВИЙ, КЎРКАМ ГУЗАР ОЧИЛДИ




*(Давоми. Боши 1-бетда).*

— Азиз маҳалладошлар, хонадонларимиз файзу баракаси бўлган отахон-онахонлар, мана ниҳоят биз орзу қилган маҳалла гузари фойдаланишга топширилди, — деди жумладан тадбирда сўз олган «Шўртепа» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Муҳиддин Турсунбоев. — Унда яратилган шарт-шароитлар, айниқса чиройли ва бежирим тарзда қурилган, тўй-ҳашамлар, тантанали маросим ўтказишга мўлжалланган тўйхона, аҳоли узоғини яқин қилишга кўмаклашувчи банк филиалининг ишга тушиши, маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар комиссияси раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, тинчлигимиз посбонлари бўлган профилактика нозирлари хоналари барчамизга жуда маъқул ва насиб этса фақат яхши кунларимизга хизмат қилади.

3000 га яқин турли миллат вакиллари умргузаронлик қилиб келаётган «Шўртепа» маҳалласи аҳолисига яратилган ушбу қулайлик наинки ушбу маҳаллага, балки у билан ёнма-ён жойлашган Ш.Бурхонов, Гулзор, Нодирабегим, Яланғоч каби бир қатор маҳаллалар аҳолисига ҳам хизмат қилади.

— Маҳалла барчани бир оиладек бирлаштирувчи, яхши-ёмон кунида корига яровчи, ёшларни тўғри йўлга бошловчи таълим-тарбия маскани, — дейди маҳалла фаоли Исмоил Алимов. — Шундай экан ўзини ўзи бошқариш тизими бўлган маҳаллаларга кўрсатилаётган катта эътибор эртага албатта ўзининг яхши натижаларини беради. Ҳудудимизга мана шундай чиройли, замонавий гузар жуда ҳам зарур эди, бир-биримиз билан ўзаро гурунглашадиган, маслаҳатлашадиган муносиб жойни орзу қилар эдик. Мана ниҳоят бунга ҳам эришдик.

Дарҳақиқат, маҳалла обод экан, юрт ҳам ободдир. Обод ва озод юртга эса байрамлар ярашади. Барчангизга байрам муборак.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туманидаги «Шўртепа» маҳалла гузарининг очилиш маросимидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

